



“26” январь 2021 й. № 02-06/414

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгаларига, ташқи
реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликлари**

Нухаси:

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан ташқи реклама объектлари (конструкциялари) хавфсизлигини таъминловчи лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш ҳамда конструкцияларни куриш, ўрнатиш ва тузатишда хавфсизлик талаблари тасдиқланган.

Жумладан, Ташқи реклама объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламенти тўғрисидаги Низомнинг 19 бандида – ташқи реклама объектидан (конструкциясидан) фойдаланиш бошлангандан сўнг, конструкция эгаси томонидан конструкция ва унинг қисмлари техник ҳолатига (фойдаланишга) масъул шахс бириктирилиши керак. Шунингдек, фойдаланишга масъул қуйидагиларни таъминлаши лозим:

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) соз ҳолатда сақлаш;

ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) ўз вақтида ва сифатли техник хизмат кўрсатиш;

ташқи реклама объектларининг (конструкцияларининг) ишончли ишлаши ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги;

ташқи реклама объектларидан (конструкцияларидан) фойдаланишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

конструкция механизмлари, боғламаларидаги носозлик ҳолатларини ҳисобга олиб бориш, таҳлил қилиш ва текширув ишларини олиб бориш ва носозликлар сабабларини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

таъмирлаш ва бошқа ишларни, иш майдонини тўсиқлар билан чегаралаш ва хавфсизлик чораларини кўриш орқали амалга ошириш (21-банди).

Шу билан бирга, ташқи реклама объектлари (конструкциялари) техник ҳолатини текшириш жараёнида деформация, силжиш, эгилиш, устунлар чўкиши, бурчаклар ўзгариши, тебраниш, ёриқлар ва бошқа носозликлар аниқланган ҳолларда, конструкция эгаси ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишларини амалга ошириши зарур. Акс ҳолда, аниқланган носозликлар бартараф этилгунга қадар ташқи реклама объектларидан (конструкцияларидан) фойдаланиш тўхтатилиши лозим.

Шу муносабат билан Сиздан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори талабларига қатъий риоя этилишини, хусусан ташқи реклама объектларининг (конструкцияларининг) техник ҳолатини текширган ҳолда, мавжуд камчиликларни бартараф этилишини таъминлашингиз ва уларнинг хавфсизлиги юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриб боришингиз сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов